



FEATURES OF INTERNATIONAL MECHANISMS FOR PROTECTING HUMAN RIGHTS SAIDOV MUHAMMAD ANVAR O'G'LI

Cadet of the Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14981456>

ARTICLE INFO

Received: 25th February 2025
Accepted: 27th February 2025
Online: 28th February 2025

KEYWORDS

Human rights, international mechanism, person, race, nationality, social status.

ABSTRACT

This article examines the opinions of legal scholars and advanced foreign practices regarding the characteristics of international mechanisms for protecting human rights, and the author develops proposals and recommendations.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УСУЛЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО МЕХАНИЗМЛАРИ ХУСУСИЯТЛАРИ САИДОВ МУҲАММАД АНВАР ЎҒЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси тингловчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.14981456>

ARTICLE INFO

Received: 25th February 2025
Accepted: 27th February 2025
Online: 28th February 2025

KEYWORDS

Инсон ҳуқуқлари, халқаро механизм, инсон, irq, миллат, ижтимоий ҳолат.

ABSTRACT

Ушбу мақолада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларининг халқаро механизмлари хусусиятлари тўғрисида ҳуқуқшунос олимлар фикрлари ва илғор хорижий тажриба ўрганилиб, муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро механизмлари инсон қадр-қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида универсал қадам бўлиб, улар инсон ҳуқуқларини глобал даражада таъминлаш ва тарғиб қилишга қаратилган. Бу механизмлар барча инсонлар, уларнинг irqи, миллати ёки ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, тенг ҳуқуқларга эга эканлигини тан олади. Улар халқаро ҳамкорлик, ҳуқуқий меъёрлар ва мустақил институтлар орқали инсон ҳуқуқларининг бузилишини олдини олишга хизмат қилади. Ҳар бир давлат халқаро шартномалар ва декларациялар асосида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Масалан, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби ҳужжатлар давлатлар учун ҳуқуқий пойдевор вазифасини ўтайди. Улар давлатларни инсон ҳуқуқларига риоя қилишга, адолатни таъминлашга ва ҳуқуқбузарликларни бартараф этишга чақирувчи асосий қоидаларни белгилайди.



Шунингдек, минтақавий механизмлар, хусусан, Европа Инсон Ҳуқуқлари Суд ёки Америка Инсон Ҳуқуқлари Суд каби органлар, давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги масъулиятини назорат қилади. Ушбу институтлар мустақил равишда ишлаб, инсон ҳуқуқларини бузган давлатларга нисбатан қонуний қарорлар чиқаради ва адолатни тиклашни таъминлайди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда фуқаролик жамиятининг роли муҳим. ННТлар, жамоатчилик ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари халқаро механизмларга ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумот етказиб, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда амалий ёрдам кўрсатади. Бундан ташқари, мониторинг жараёни давомида халқаро институтлар давлатларнинг ҳисобдорлигини таъминлаб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ислохотларни илгари суради. Бу механизмлар нафақат ҳуқуқий, балки гуманитар ёндашувни ҳам қамраб олади. Жабрланувчиларга ёрдам кўрсатиш, адолатни тиклаш ва инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш халқаро механизмларнинг асосий мақсади ҳисобланади. Ушбу механизмлар барқарор жамият куриш ва адолатни сақлашда асосий воситалардан бири сифатида хизмат қилади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик халқаро стандартлар орқали тартибга солинади. Ушбу стандартлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда давлатлар учун асосий ўлчов сифатида хизмат қилади. Халқаро стандартлар турли даражаларда амалга оширилади ва ҳар бир даражанинг ўз ўрни бор. Олимлар ушбу стандартларни турли жиҳатдан баҳолаб, уларнинг қонунийлиги ва амалий қўлланилиши ҳақида турли фикрларни илгари сурган.

Ю.В.Трунцевскийнинг фикрига кўра, халқаро стандартлар уч турга бўлинади: универсал, худудий ва махсуслаштирилган. Универсал стандартлар умумжаҳон миқёсида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашда муҳим роль ўйнайди¹. Улар Бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси ва 1966 йилдаги Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт каби ҳужжатларда акс этган. Ушбу ҳужжатлар давлатларга инсон ҳуқуқларини қонунчилик, ижтимоий ва иқтисодий механизмлар орқали таъминлаш мажбуриятини юклайди. Масалан, Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита давлатларни болалар ўлими даражасини камайтириш, эпидемияларнинг олдини олиш каби тадбирларни амалга оширишга чақирган.

Бизнинг фикримизча, универсал стандартлар инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, уларнинг тавсиявий хусусияти мажбурий қонунчиликка айлантирилиши лозим. Бу уларнинг глобал даражада самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Халқаро стандартлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг муҳим ҳуқуқий асосини яратади. Олимларнинг фикрлари шуни кўрсатадики, ҳар бир даражадаги стандартлар турли хил ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий механизмларни талаб қилади. Биз Трунцевскийнинг стандартлар таснифига қўшилаемиз, бироқ уларнинг татбиқ этилишида мажбурийлик даражасини ошириш зарурлигини таъкидлаймиз. Бу инсон ҳуқуқларининг глобал даражада ҳимоя қилинишига ёрдам

¹ Трунцевский, Ю. В. Международное право: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности 030501 «Юриспруденция». М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2012 – С. 92



беради. Халқаро стандартларнинг татбиқ этилиши инсон қадр-қимматини ҳимоя қилишдаги асосий қадамдир.

Ҳазов Е.Н. ўзининг «Конституциявий кафолатлар ва инсон ҳуқуқлари» номли тадқиқотида инсоннинг ҳаётга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилишда ижтимоий ҳуқуқларнинг алоҳида аҳамиятини таъкидлайди. Унинг фикрича, давлатлар инсоннинг ҳаётга бўлган ҳуқуқини таъминлаш учун саломатликни муҳофаза қилиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлайдиган чораларни амалга оширишлари керак². Ушбу ёндашув халқаро даражадаги мажбуриятларнинг давлат сиёсатига таъсирини аниқ кўрсатади. Шу билан бирга, Ҳазов инсон ҳаётига таҳдид соладиган омилларни, жумладан, эпидемиялар, озиқ-овқат етишмовчилиги ва саноат ифлосланишини бартараф этиш давлатларнинг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблайди.

Бизнинг фикримизча, Ҳазовнинг таъкидлагани каби инсон ҳаётини ҳимоя қилишда ижтимоий омилларнинг аҳамияти жуда юқори. Бунда давлатлар нафақат саломатликни ҳимоя қилиш чораларини амалга ошириши, балки атроф-муҳит ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган самарали механизмларни жорий этиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, Ҳазовнинг бу вазифаларни асосан давлатлар зиммасига юклашга йўналтирилган ёндашувига қисман қўшилиш мумкин, чунки инсон ҳуқуқларини таъминлаш жараёнида фуқаролик жамияти ва халқаро ташкилотларнинг ҳам роли жуда муҳимдир.

1950 йилги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш бўйича Конвенциянинг 2-моддаси, давлатларнинг қонунчилик орқали ҳар бир шахснинг ҳаётга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қилиш мажбуриятини белгилайди. Бу меъёр давлатларга ушбу ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун нафақат юридик асос яратишни, балки амалдаги механизмлар орқали ушбу ҳуқуқни таъминлашни ҳам юклайди. Конвенцияда қўлланиладиган куч ишлатишнинг фақат «абсолют зарурият» ҳолатларидаги чекланган ҳолатлари жуда юқори стандартларга боғлиқ. Д. Гомьен, Д. Харрис ва Л. Зваакнинг фикрига кўра, 2-модда ва 6-Протокол тўғридан-тўғри ҳаёт сифати ёки унинг мутлақ ҳимоясини кафолатлашга эмас, балки давлатнинг инсонни ҳаётдан маҳрум қилишининг ноқонуний ҳолатларини олдини олишга қаратилган³. С.В.Великоредчанина эса 2-моддани шундай изоҳлайди: «бу модда инсоннинг ҳаёт ҳуқуқини бевосита белгиламайди, балки давлатларнинг ушбу ҳуқуқни ҳимоя қилиш мажбуриятини ўз зиммаларига юклайди ва ҳаётдан қасддан маҳрум қилишни тақиқлайди»⁴.

С.В.Великоредчанина моддани жуда чекланган тарзда талқин қилган. Унинг фикрига кўра, ҳаёт ҳуқуқи давлатнинг фақат «манфий мажбурияти»ни англатади, яъни давлат инсоннинг ҳаётига аралашмаслиги керак. Биз бу ёндашувга қўшилмаймиз, чунки 2-модда давлатнинг фақат «аралашмаслик» принципи билан чекланмай, ижобий мажбуриятларни ҳам назарда тутаяди.

² Ҳазов, Е. Н. Конституционные гарантии прав и свобод человека и гражданина в России. Теоретические основы и проблемы реализации: монография. М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2012 – С. 152

³ Энтин, Л.М. Европейское право. Право Европейского Союза и прав. обеспеч. защиты прав человека: Учебник. М.: Норма: НИЦ Инфра-М, 2012 – С. 71

⁴ Великоредчанина С. Мониторинг прав человека: лекции. С. Великоредчанина. 2003;153.



Комиссиянинг позицияси шуни кўрсатадики, давлат инсон ҳаётини ҳимоя қилиш учун фаол чоралар кўриши керак. Масалан, агар аниқ бир шахнинг қурбон бўлиши эҳтимоли юқори бўлса, давлат бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун керакли барча чораларни кўриши керак. Бунга жиноятларнинг олдини олиш, таҳдидларни бартараф этиш, ҳамда қурбонлик эҳтимолини камайтиришга қаратилган махсус чора-тадбирлар киради.

2-модданинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, куч ишлатиш ортидан ўлим ҳолатлари юз берганда, давлат ушбу ўлимнинг барча сабабларини текшириши шарт. Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди бу текширувлар самарали, холис ва чуқур бўлишини талаб қилади. Гарчи Конвенциянинг 2-моддаси бундай текширувларни тўғридан-тўғри назарда тутмаса-да, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ва Комиссия уларни ҳаёт ҳуқуқини ҳимоя қилишнинг ажралмас қисми сифатида баҳолайди.

Шепелеванинг таъкидлашича, бу ҳолатларда давлат хизматчиларининг ҳаракатлари ва миллий органларнинг амалиёти бир хил хатоларни такрорлашга мойил бўлиб, самарали текширув принципларига зид бўлган барқарор амалиётлар мавжудлигини кўрсатади. Масалан, "Салатхановлар Россияга қарши" ишида қўлланилган ҳолат қайд этилади, бу ҳолатда айбдор шахслар аниқланган ва жавобгарликка тортилиб, айбдор деб топилган. Аммо бу каби ишлар амалиётда камдан-кам учрайди⁵.

Бошқа томондан, тезкор ва тўлиқ текширув ўтказиш, шубҳали ҳолларда жиноят изларини йўқ қилиш ва шикоятларнинг беасослигини исботлаш имкониятини яратади. Масалан, "Геппа Россияга қарши" ишида Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди текширув материалларининг ишончли ва тезкор йиғилганини таъкидлади. Суд тергов ҳужжатлари, шу жумладан, суд-тиббий экспертиза натижалари текширувни ҳам процедуравий, ҳам моддий жиҳатдан асосланган деб баҳолади. Шу орқали Конвенцияни бузиш ҳолатлари аниқланмади.

Агар куч ишлатиш натижасида жабрланувчи тирик қолса-да, унинг ҳаёти хавф остида бўлган бўлса, Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди бу ҳолатларни 1950 йилги Конвенциянинг 2-моддаси доирасида кўриб чиқади. Бу амалиёт Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа судининг ҳаёт ҳуқуқини ҳимоя қилишдаги мажбуриятларига зид ҳолатлар мавжуд бўлганлигини кўрсатади.

Т.М.Фомиченко давлат органларининг позитив мажбуриятларини аниқлашда муҳим ёндашувни илгари суради. Унинг таъкидлашича, давлат органлари маълум шахнинг ҳаётига реал ва бевосита таҳдид мавжудлигини билиши ёки билиши мумкин бўлган ҳолларда ҳам зарур чораларни кўрмаган бўлса, бу уларнинг масъулиятига айланади⁶. Шунинг учун, давлатнинг бундай мажбуриятлари реалистик ва амалга ошириш мумкин бўлган даражада бўлиши керак. Давлат органлари имкониятлари доирасидаги чораларни ўз вақтида кўрмаган бўлса, уларнинг ҳаракатлари ноқонуний деб баҳоланади.

⁵ Юридическая защита прав и законных интересов потребителей товаров и услуг: особенности современной парадигмы: Учеб.-практ. пос. / А.Ф.Волынский, В.А.Прорвич М.: Норма: НИЦ ИНФРА-М, 2014 – С. 253

⁶ Фомиченко Т.М. Права человека. Необходимость выделения самостоятельной науки и учебной дисциплины. Новое в российском и международном праве. М.: НИЦ «Инженер. 2005(5).



Ижобий мажбуриятлар давлатдан инсон ҳаётини ҳимоя қилиш учун фаол чоралар қўришни талаб қилади. Масалан, давлат ўз юрисдикциясида ҳаётга хавф солувчи ҳолатларга қарши қонунлар қабул қилиши ва уларнинг самарали амалга оширилишини таъминлаши лозим. Бу нафақат қонун қабул қилишни, балки уни амалга оширишда самарали механизмларни ҳам жорий этишни талаб қилади. Масалан, "Тарариева Россияга қарши" ишида Европанинг инсон ҳуқуқлари бўйича суди давлатнинг ушбу мажбуриятларини аниқ қайд этган. Суд давлатнинг назорати остидаги шахслар жароҳат олган тақдирда ёки уларнинг ўлими ҳолатида жавобгар бўлишини аниқ таъкидлади.⁷

Тартибга солувчи мажбуриятлар, уларнинг айримлари ижобий мажбуриятларга киради, инсон ўлими ҳолатларини самарали текширишни талаб қилади. Давлат тергов жараёнида холислик ва самарадорликни таъминлаши лозим. Шунингдек, давлат жиноятчиларни жавобгарликка тортиб, жабрланувчиларга шикоят қилиш имкониятини яратиши зарур.

Семеновнинг таъкидлашича, салбий ва ижобий мажбуриятлар рўйхати чегараланган эмас. Суд ишлари инсон ҳаётига таҳдид қилувчи ҳолатлар билан боғлиқ масалаларни текшириш орқали давлатнинг янги ижобий мажбуриятларини аниқлаш ва уларни амалиётга татбиқ этишга имкон беради. Биз ушбу фикрни қўллаб-қувватлаймиз, чунки бу давлатнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги доимий ўзгарувчанлик ва самарали механизмларга бўлган эҳтиёжни акс эттиради.

Шунингдек, ижобий мажбуриятлар доирасида давлат фақат тиббий ходимларнинг хатоларини қайд этиш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Давлат инсон ҳаётига хавф солувчи ҳолатларни аниқлаб, уларнинг олдини олиш учун барча имкониятларни ишга солиши керак. Бу давлатнинг инсон ҳаётини ҳимоя қилишдаги асосий вазифаларидан биридир.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига тўсқинлик қилаётган тарихий, маданий ва диний омиллар ҳам бор. Л.М.Энтиннинг таъкидлашича, инсон ҳуқуқларининг моҳиятини тушуниш ва уларни амалда жорий этиш учун халқаро ҳамжамиятдаги ўзаро ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, олим қайд этганидек, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги билимлар жамиятда етарлича тарқалмаган. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳақида аҳоли фақат 7% маълумотга эга⁸.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида таълимнинг ўрни жуда катта. ЮНЕСКОнинг 1945 йилда қабул қилинган Уставида таъкидланганидек, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчиликнинг билимли ва фаол бўлиши шарт. Ҳуқуқий ҳужжатлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муҳим бўлса-да, уларнинг амалий аҳамияти фақат жамиятнинг фаол иштироки билан таъминланади.

Олимларнинг фикрини таҳлил қилар эканмиз, уларнинг таъкидларига қўшилаемиз. Халқаро даражада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва жорий этишга қаратилган кўплаб ҳаракатлар мавжуд, бироқ уларнинг самарадорлиги халқнинг ҳуқуқий саводхонлигига боғлиқ. Шунинг учун, ҳуқуқий таълимни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари

⁷ Унификация международного частного права в современном мире: Сборник статей / Отв. ред. И.О. Хлестова. М.: НИЦ ИНФРА-М: ИЗСП, 2013 – С. 74

⁸ Энтин, Л.М. Европейское право. Право Европейского Союза и прав. обеспеч. защиты прав человека: Учебник. М.: Норма: НИЦ Инфра-М, 2012 – С. 52



маданиятини жамиятда мустаҳкамлаш давлат ва жамиятнинг умумий вазифаси бўлиши зарур. Ҳуқуқлар тўғрисидаги билимларни кенг тарғиб қилиш ва уларни қўллаб-қувватлаш орқали инсон ҳуқуқларининг универсал қадрият сифатида тан олинишини таъминлаш мумкин.

Инсон ҳуқуқлари турли жамиятларда ижтимоий-иқтисодий имкониятлар доирасида кафолатланади. Бироқ, халқаро ҳамжамият ўз тараққиёти давомида барча давлатлар учун умумий бўлган принципларни шакллантирди. БМТга аъзо давлатлар учун асосий йўриқномалардан бири — инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва уларни бузишга йўл қўймаслик принциpidир. БМТ Уставининг 1-моддасида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантириш халқаро ҳамкорликнинг асосий мақсадларидан бири экани таъкидланади. Шу билан бирга, 1975 йилдаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг Йўл-йўриқ актида ҳам ушбу принцип халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойили сифатида белгиланган.

Тарихий тажриба кўрсатадики, инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилишга асосланган жамиятдаги муносабатлар одамларнинг ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда бирлашуви учун муҳим шарт-шароит яратади. Бу жараёнда таълим тизимининг роли ниҳоятда муҳимдир, айниқса инсон ҳуқуқлари бўйича таълим. Инсон ҳуқуқлари бўйича таълим нафақат махсус курслар орқали, балки умумий фанлар доирасида ҳам инсон ҳуқуқларининг моҳияти ва аҳамиятини ёритишни ўз ичига олади. Бу таълим инсонларда инсонпарвар дунёқарашни, инсон қадр-қимматини ҳурмат қилиш ҳиссини шакллантиради ҳамда уларни инсон ҳуқуқларини умуминсоний қадриятлар сифатида ҳимоя қилишга ундайди.

БМТ Бош Ассамблеяси 1994 йилда 1995–2004 йилларни "БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича таълим ўн йиллиги" деб эълон қилгани, ушбу жараёнга жаҳон миқёсида катта эътибор қаратилганини кўрсатади. Олимлар, жумладан, Е.В.Сафронова таъкидлаганидек, инсон ҳуқуқлари жаҳон маданияти ва цивилизациясининг муҳим кўриниши сифатида қаралади, бу эса уларни ижтимоий-сиёсий ва гуманитар билимлар тизимида методологик аҳамиятга эга қилади⁹.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг универсал хусусиятини умумий тан олиш йўналиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Жаҳон давлатларининг аксарият конституциялари ўз халқларининг умуминсоний қадриятларга содиқлигини эълон қилган. Ушбу қадриятлар — тенглик, эркинлик, қардошлик, гуманизм ва адолат каби идеаллар асосида барқарор ва адолатли жамият қуришга қаратилган йўналишлар ҳисобланади.

Бироқ, муаллифлар қайд этганидек, инсон ҳуқуқлари бўйича билимсизлик инсонларни ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва демократик жараёнларда фаол иштирок этишда муҳим тўсиқ бўлади. Бизнингча, таълимнинг бу соҳадаги роли янада кучайтирилиши лозим. Барча қатламлар учун инсон ҳуқуқлари бўйича таълим бериш, бунинг натижасида инсон ҳуқуқларига ҳурмат маданиятини шакллантириш, демократик жамият қуришнинг ажралмас қисми сифатида қаралиши лозим. Инсон

⁹ Сафронова, Е. В. Международное публичное право: теоретические проблемы: Монография. М.: РИОР: ИНФРА-М, 2013 – С. 105



хуқуқларининг умуминсоний қадрият сифатида тан олиниши жамият тараққиётида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб қолади.

Инсон ҳуқуқларининг бўлинмаслиги ва универсаллиги масалалари бир қатор халқаро ҳужжатларда, жумладан, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида, 1968 йилда ўтказилган Техрон конференциясида ва 1993 йилда ўтказилган Вена умумжаҳон конференциясида таъкидланган. Вена декларацияси ва ҳаракат дастурида, «барча инсон ҳуқуқлари бўлинмас, универсал, ўзаро боғлиқ ва ўзаро боғлангандир. Жаҳон ҳамжамияти инсон ҳуқуқларига адолатли ва тенг ёндашув асосида умумий ёндашиши лозим. Мамлакатларнинг ўзига хос миллий, тарихий, маданий ва диний хусусиятлари эътиборга олинса-да, давлатлар молиявий, маданий ва сиёсий тизимларидан қатъи назар, барча инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳимоя қилиш ва рағбатлантириш вазифасини бажариши шарт», деб ёзилган.

Бу ёндашув, олимлар таъкидлаганидек, инсон ҳуқуқларининг универсал ва бўлинмас эканини жаҳон миқёсида эътироф этиш учун муҳимдир. Жумладан, Н.В.Румянцев фикрига кўра, давлатлар нафақат қонунлар орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиши, балки адолат ва тенглик асосида уларни амалга ошириш учун турли шароитларни таъминлаши зарур¹⁰.

Муаллифлик нуқтаи назаридан, инсон ҳуқуқларининг универсаллиги ва бўлинмаслиги уларнинг жаҳон цивилизацияси қадриятлари сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлайди. Барча давлатлар, молиявий имкониятлари ва маданий хусусиятларидан қатъи назар, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишни ўзларининг асосий вазифаларидан бири сифатида қабул қилишлари зарур. Шундай ёндашув инсон ҳуқуқлари маданиятини глобал миқёсда шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилади.

Халқаро ҳуқуқий муносабатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро ҳамкорлик, давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича саъй-ҳаракатлари орқали таъминланади. Ушбу тамойиллар БМТ Уставининг IX бўлимида акс этган бўлиб, ирқий, миллий ёки диний мансублигидан қатъи назар, инсоннинг барча ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат қилишни талаб қилади. Бугунги кунда халқаро ҳуқуқшунослар ва экспертларнинг фикрига кўра, инсон ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилиш нафақат давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик, балки БМТнинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлашга қаратилган тадбирларини ҳам ўз ичига олади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини халқаро даражада ҳимоя қилишнинг етарли даражада таъминланмагани аён бўлди. Уруш тажрибаси халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан чамбарчас боғлиқ эканини кўрсатди. БМТнинг

¹⁰ Румянцев, Н. В. Обеспечение прав и свобод человека правоохранительными органами Российской Федерации: учеб. пособие для студентов вузов, обучающихся по специальности «Юриспруденция». М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и право, 2012 – С. 82



ташкил этилиши иккинчи жаҳон уруши даврида фашистлар томонидан амалга оширилган жиноятларга жавоб сифатида шаклланди¹¹.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) номи илк бор 1942 йилнинг 1 январь куни "Бирлашган Миллатлар декларацияси"да АҚШ президенти Франклин Д. Рузвельт томонидан таклиф қилинган. Иккинчи жаҳон уруши даврида 26 мамлакатнинг вакиллари БМТни шакллантириш босқичида, ҳаёт, эркинлик, мустақиллик, инсон ҳуқуқлари ва адолатни ҳимоя қилиш бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олдилар.

Илмий адабиётларда, хусусан, Л.В. Павлова ишлаб чиққан тадқиқотларда, БМТнинг шаклланиши қуйидаги уч асосий йўналишга таяниши кўрсатилган:

Халқаро ҳамкорликнинг мақсад ва вазифаларини белгилайдиган асосий халқаро ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.

Аниқ бир соҳада ёки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларда ҳамкорлик тўғрисида давлатлараро келишувларни имзолаш.

БМТ органлари ва муассасаларининг тизимини шакллантириш, уларнинг мақоми, ваколати, иш шакллари ва ўзаро алоқаларини ҳуқуқий тартибга солиш, шу жумладан, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги назорат механизмларини яратиш.

БМТнинг ташкил этилгани расман 1945 йилнинг 24 октябрь куни эълон қилинган ва бугунги халқаро муносабатларда янги босқичнинг бошланиши сифатида эътироф этилган. БМТ тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш учун халқаро ташкилот сифатида кенг тан олинган. У давлатларнинг ҳудудий катталиги ёки аҳолиси сонидан қатъи назар, тенглик асосида ишлайдиган глобал хавфсизлик тизимини шакллантиришда муҳим асос бўлиб хизмат қилади¹².

БМТнинг ташкил этилиши давлатлараро ҳамкорликнинг турли соҳаларида: ҳарбий, сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, экологик ва гуманитар йўналишларда стратегияларни ишлаб чиқиш учун асос бўлди. БМТ шартлари асосида қабул қилинган ҳужжатлар минтақавий ва миллий сиёсатни такомиллаштиришда меъёр бўлиши лозим. Улар инсон ҳуқуқлари соҳасидаги сиёсий ва ҳуқуқий тизимларни яхшилашда стандарт сифатида хизмат қилиши керак. БМТ халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, давлатлараро муносабатларда ҳуқуқий, сиёсий ва иқтисодий тизимларни такомиллаштиришда ҳамда давлатлараро алоқаларни мувофиқлаштиришда координаторлик ролини бажаради. Бироқ, айрим фикрлар БМТнинг халқаро хавфсизликни таъминлаш ва давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлари самарасиз эканлигини таъкидлайди. Бугунги кунда ташкилот ўзининг собиқ нуфузини йўқотгани ва иш усуллари, иш шакллари ва тузилмасини ислоҳ қилишга муҳтож эканлиги тан олинмоқда.

БМТнинг ислоҳотларга муҳтожлиги объектив ҳақиқатдир. Шунга қарамай, унинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолияти ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришдаги роли беқиёсдир. БМТга янги замонавий ёндашувлар ва фаолият самарадорлигини

¹¹ Практикум по международному праву /Отв. ред. С.Ю. Марочкин; Ред. кол. Г.В. Игнатенко и др. - 4-е изд., пер. и доп. М.: Норма: ИНФРА-М, 2015 – С. 42

¹² Организация Объединенных Наций и международная защита прав человека в XXI веке: Монография / В.А. Карташкин. М.: Норма: НИЦ ИНФРА-М, 2015 – С. 84



оширишга қаратилган чоралар орқали унинг жаҳон сиёсий тизимидаги муҳим ўрнини сақлаб қолиш мумкин.

Бугунги кунда БМТ доирасида икки юзга яқин давлат бирлашган бўлса-да, уларнинг барчаси бир хил мақомга эга эмас. БМТга аъзо бўлмаган, аммо доимий кузатувчилар сифатида қатнашадиган давлатлар ҳам мавжуд. Улар қаторига Ватикан (Муқаддас Тахт) ва Фаластин киради. Илмий адабиётларда айтилишича, тарихий даврларда бошқа давлатлар ҳам кузатувчи мақомида иштирок этган. Шунини қайд этиш керакки, Монако Князлиги (1993 йил 28 май), КХДР (1991 йил 17 сентябрь), Жанубий Корея (1991 йил 17 сентябрь) ва Швейцария (2002 йил 10 сентябрь) каби мамлакатлар ҳам БМТнинг доимий аъзолари қаторига киради.

БМТ мураккаб, кўп қаватли ва кўп соҳали тизим бўлиб, унинг органлари ва муассасалари турли хусусиятларга эга. Уларнинг мақсадлари, шаклланиш услуби, фаолият соҳалари ва ички тузилмалари бўйича бир-биридан фарқ қилади. Мутахассислар БМТ тизимидаги асосий органларни шартли равишда қуйидагича таснифлайди: махсус (конвенцион) органлар, халқаро ҳужжатлар нормаларини ижро этишни назорат қилиш механизмлари сифатида шаклланган органлар, муайян соҳаларда давлатлараро ҳамкорликни ривожлантирувчи махсус муассасалар ва ёрдамчи органлар.

БМТ конвенцияларининг айримлари доирасида махсус органлар (шартномавий ёки конвенцион органлар) ташкил этилган. Бу органлар конвенцияларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш соҳасида фаолият юритади. Улар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар асосида шаклланиб, давлатлар томонидан ушбу шартномалар бўйича зиммасига олинган мажбуриятларни бажарилишини назорат қилади. Шунингдек, давлат томонидан шартномалар ижроси доирасида амалга оширилган ишлар ва уларнинг натижалари тўғрисида ҳужжатларни таҳлил қилиб, тегишли тавсияларни тақдим этади. Бундай тавсиялар давлатларнинг ҳуқуқий амалиётини такомиллаштириш ва миллий қонунчиликни яхшилашга қаратилган бўлади¹³.

Бу жараёнлар, БМТнинг инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва халқаро ҳуқуқий муносабатларни мустаҳкамлашдаги ўрнини янада чуқурроқ англаш имконини беради. БМТнинг шартномавий органлари ва конвенцион механизмлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг иш самарадорлиги глобал даражадаги ҳуқуқий адолатга эришиш учун муҳим ўрин тутаяди.

Экспертлар тўрт йил муддатга сайланади, қайта сайланиш ҳуқуқига эга бўлиб, давлатларнинг ички ишларига аралашиларига йўл қўйилмайди. Улар ўз фаолияти давомида мамлакатлардаги инсон ҳуқуқлари бўйича вазиятни назорат қилиш, аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатларнинг ижросини таъминлаш билан шуғулланади. Улар миллий даражада давлатлар томонидан тақдим этилган ҳисоботларни кўриб чиқади ва ушбу давлатларнинг мажбуриятларни бажаришига баҳо беради.

¹³ Организация Объединенных Наций и международная защита прав человека в XXI веке: Монография / В.А. Карташкин. М.: Норма: НИЦ ИНФРА-М, 2016 – С. 78



Бу органлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита;

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита;

Ирқий камситишларни тугатиш бўйича қўмита;

Аёлларга нисбатан камситишларни тугатиш бўйича қўмита;

Қийноқларга қарши қўмита;

Болалар ҳуқуқлари бўйича қўмита¹⁴.

Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита 1966 йилдаги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт» ва унга қўшимча Факультатив протокол асосида 1977 йилда ташкил этилган. Унинг вазифаси – давлатларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунбузарликлари бўйича жисмоний шахслар томонидан тақдим этилган шикоятларни кўриб чиқишдир. Қўмита 18 нафар мустақил экспертдан иборат бўлиб, йилда уч марта Женевада йиғилиш ўтказди.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича қўмита 1985 йилда БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС) томонидан тасдиқланган. Бу қўмита давлатларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича мажбуриятларини бажаришини назорат қилади ва Пактнинг қоидаларини шарҳлайди. Қўмита йилига икки марта йиғилади¹⁵.

Аёлларга нисбатан камситишларни тугатиш бўйича қўмита 1982 йилда «Аёлларга нисбатан ҳар қандай камситишни тугатиш тўғрисидаги конвенция» асосида ташкил этилган. У 23 нафар экспертдан иборат бўлиб, асосан турли касбларда фаолият юритувчи малакали аёллардан иборатдир. Қўмита Вена шаҳрида йилига бир марта йиғилиш ўтказди. Бу қўмита ва органларнинг фаолияти инсон ҳуқуқларини халқаро даражада муҳофаза қилиш ва уларни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Улар нафақат инсон ҳуқуқларининг халқаро миқёсдаги кафолатларини мустаҳкамлашга, балки миллий қонунчиликни такомиллаштиришга ҳам хизмат қилади. Бундай ташкилотлар халқаро ҳамжамият учун мустаҳкам ҳуқуқий асос яратиб, давлатлар ўртасида ҳамкорликнинг янги босқичларини очишга ёрдам беради.

БМТ тизимида инсон ҳуқуқлари ва халқаро муҳофаза соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш мақсадида кўплаб органлар ва ташкилотлар фаолият юритади. Уларнинг орасида қийноқларга қарши қўмита ва болалар ҳуқуқлари бўйича қўмита каби шартномавий органлар, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари, ҳамда БМТнинг қочоқлар ишлари бўйича бошқармаси алоҳида аҳамиятга эга.

Қийноқларга қарши қўмита 1987 йилда қийноқларга қарши конвенция асосида ташкил этилган бўлиб, унинг таркибига ўн нафар эксперт киради. Қўмита икки асосий вазифани бажаради: давлатлардан келган маълумотлар ва шикоятларни кўриб чиқиш ва қийноқларнинг тизимли равишда қўлланилиши ҳақидаги маълумотлар асосида суриштирув ўтказиш. Қўмитанинг иш жараёни махфийлик ва тегишли давлатлар билан

¹⁴ Отдельные виды обязательств в международном частном праве: Моногр./ В.Н. Борисов и др.; Отв. ред. Н.Г. Доронина, И.О. Хлестова. - 2 изд., перераб. и доп. М.: ИНФРА-М: ИЗСП, 2014 – С. 61

¹⁵ Права человека: международная защита в условиях глобализации: Монография / Карташкин В. А. М.: Юр.Норма, НИЦ ИНФРА-М, 2016 – С. 49



ҳамкорликка асосланади. Бу орган давлатлар ёки шахсий шахслардан келган шикоятларни кўриб чиқиш ваколатига ҳам эга.

Болалар ҳуқуқлари бўйича қўмита 1989 йилда Болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция асосида ташкил этилган. Бу қўмитанинг вазифаси давлатларнинг болалар ҳуқуқларига риоя қилиш борасидаги ҳисоботларини кўриб чиқиш ва тегишли тавсияларни беришдан иборат. Қўмита йилда бир марта Нью-Йоркда сессия ўтказди ва ҳар икки йилда ўз ҳисоботларини БМТ Бош Ассамблеясига тақдим этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар лавозими 1993 йилда БМТнинг Бош Ассамблеяси қарори билан таъсис этилган. Олий комиссарнинг асосий вазифаларига инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича давлатларга маслаҳат бериш ва таълим ҳамда тарғибот дастурларини мувофиқлаштириш киради. Олий комиссар давлатлар билан мулоқот ўрнатиб, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартларга мувофиқликни таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиради¹⁶.

Қочоқлар ишлари бўйича Олий комиссар бошқармаси (УВКБ) 1951 йилда Қочоқлар мақоми тўғрисидаги конвенция асосида ташкил этилган. Унинг асосий вазифаси қочоқларга халқаро ҳимояни таъминлаш, уларнинг репатриациясига ёки янги давлатларда ассимиляция бўлишларига ёрдам беришдир. Бошқарма фаолияти инсоний ва ижтимоий йўналтирилган бўлиб, унинг вазифаларига қочоқларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни қабул қилувчи мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш ва қочоқлар сонини камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш киради. Ушбу ташкилотлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш, ҳимоя қилиш ва халқаро даражадаги ҳуқуқий стандартларга мувофиқликни таъминлашда муҳим ўрин тутди. Улар давлатлар ўртасида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бундан ташқари, улар миллий қонунчиликни такомиллаштиришга ёрдам беради, бу эса жамиятларнинг барқарорлиги ва адолатга асосланган бошқарув тизимини таъминлайди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш халқаро механизмлари инсон қадр-қиммати ва тенг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган глобал тизимдир. Универсал стандартлар, жумладан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва халқаро пактлар, барча инсонларга қонун олдида тенг ҳуқуқ ва эркинликларни кафолатлайди. Ушбу ҳужжатлар давлатларга инсон ҳуқуқларига риоя қилиш мажбуриятини юқлаб, ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ва адолатни таъминлаш йўлида мустаҳкам ҳуқуқий асос яратади. Бироқ, ушбу стандартларнинг тавсиявий хусусиятини мажбурий қонунчиликка айлантириш уларнинг самарадорлигини ошириш учун муҳимдир.

Минтақавий механизмлар, хусусан, Европа, Америка ва Африка Инсон Ҳуқуқлари Судлари, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Улар давлатларнинг инсон ҳуқуқларига риоя этиш мажбуриятини назорат қилиб, ҳуқуқбузарликларга қарши адолатни тиклашга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади. Бундай механизмлар мустақиллик ва холислик принципларига асосланиб, минтақадаги

¹⁶ Международное право: Учебник / Отв. ред. Игнатенко Г. В., Тиунов О. И. - 6-е изд., перераб. и доп. М.: Юр.Норма, НИЦ ИНФРА-М, 2016 – С. 41



хуқуқбузарликларни бартараф этиш ва инсон ҳуқуқларини тиклашда самарали восита ҳисобланади.

Давлатлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ижобий мажбуриятларга эга. Улар хавфларни бартараф этиш, инсон ҳаётини ҳимоя қилишга қаратилган қонунларни қабул қилиш ва самарали амалда татбиқ этиш воситалари орқали адолатни таъминлаши лозим. Шу билан бирга, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жараёнида фуқаролик жамияти, ННТлар ва оммавий ахборот воситаларининг иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, улар ҳуқуқбузарликлар ҳақида маълумот тарқатиш ва инсон ҳуқуқларини тарғиб қилишда муҳим вазифани бажаради. БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича қўмиталари, Олий комиссар ва қочоқлар ишлари бўйича бошқарма каби халқаро ташкилотлар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш ва давлатлараро ҳамкорликни мустаҳкамлашда асосий ўрин тутаяди. Шунингдек, таълим инсон ҳуқуқларига ҳурмат маданиятини шакллантириш ва ҳуқуқий саводхонликни оширишда муҳим восита ҳисобланади. Инсон ҳуқуқлари маданиятини ривожлантириш орқали уларнинг универсал қадрият сифатида тан олинishi ва глобал даражада таъминланишига эришилади.